



**БЮЛЛЕТЕНЬ  
АССОЦИАЦИИ  
ВРАЧЕЙ  
УЗБЕКИСТАНА**

**O'ZBEKISTON  
VRACHLAR  
ASSOTSIATSIYASI  
BYULLETENI**

**4**

**2015  
TOSHKENT**



Эрматов Н.Ж., Омонов А.А., Исломова Х.У., Исломов Д.М. Рақс ва хореография мактаби ўқувчи-қизлари орасида учрайдиган касалликларни таҳлил қилиш 91 Эрматов Н.Ж., Омонов А.А., Исломова Х.У., Исломов Д.М. Анализ заболеваемости среди учащихся девушек школы танцев и хореографии

Искандаров Т.И., Романова Л.Х., Славинская Н.В., Искандаров А.Б. Ватанимиздаги янги Фандеф-гигиена, токсикология пахта дефолианти 95 Искандаров Т.И., Романова Л.Х., Славинская Н.В., Искандаров А.Б. Новый отечественный дефолиант хлопчатника Фандеф – гигиена, токсикология

Аминов З.З., Ходжаев Н.И., Тилавов Б.Т. Самарқанд Давлат тиббиёт институтида масофа орқали ўқитиш тизимининг айрим хусусиятлари 97 Аминов З.З., Ходжаев Н.И., Тилавов Б.Т. Некоторые особенности системы дистанционного обучения в Самаркандском государственном медицинском институте

Зуфаров А. А. Болаларда юрак ритмининг спектрал характерлари ва респиратор синдромнинг сабаб-оқибат боғлиқлигини ўзига хослиги 100 Зуфаров А. А. Особенности причинно-следственных взаимосвязей респираторного синдрома и спектральных характеристик сердечного ритма у детей

Наврұзов С.Н., Полатова Д.Ш., Гельдиева М.С., Абдикаримов Х.Г. Остеосаркомада лимфоцитларнинг цитогенетик ўзгаришларини ўрганиш 104 Наврузов С.Н., Полатова Д.Ш., Гельдиева М.С., Абдикаримов Х.Г. Изучение цитогенетических изменений в лимфоцитах периферической крови больных остеосаркомой

Искандарова Ш.Т., Абдурахимов З.А., Аманов А.Б., Абзалова Ш.Р. Жамоат тренерлари тайёрлаш ва аҳолини орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда замонавий инфор- мацион-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш 107 Искандарова Ш.Т., Абдурахимов З.А., Аманов А.Б., Абзалова Ш.Р. Подготовка общественных тренеров и формирование среди населения здорового образа жизни с использованием современных информационно-коммуникационных технологий

**ТИББИЙ ТАЪЛИМ**

Амалиётчи врачлар диққатиغا

Абдуллаев А.Х., Горбунова И.Г., Аниёзова Д.Ж. Кекса ёшдаги пациентларга тиббий ёрдам курсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

**МЕДИЦИНСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ**

Вниманию практикующих врачей 112

Абдуллаев А.Х., Горбунова И.Г., Аниёзова Д.Ж. Особенности оказания медицинской помощи пожилым пациентам

**ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАР, ИЛМИЙ МУШОХАДАЛАР**

Туйчиев Н.Н., Назиров П.Х., Махмудова З.П. Замонавий шароитларда сил спондилитининг тарқалиши ва клиник кечилишининг ўзига хослиги 116

**НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ, НАУЧНЫЕ ОБЗОРЫ**

Туйчиев Н.Н., Назиров П.Х., Махмудова З.П. Распространенность и особенности клинического течения туберкулезного спондилита в современных условиях

Тиббиёт янгиликлари (Интернет)

119 Новости медицины (Интернет)

**СЕМИНАРЛАР, КОНГРЕССЛАР, СИМПОЗИУМЛАР**

**СЕМИНАРЫ, КОНГРЕССЫ, СИМПОЗИУМЫ**

Ўзбекистон шошилинч тез тиббий ёрдам Ассоциациясининг III съезди ҳақида 121

О III съезде Ассоциации врачей экстренной медицинской помощи Узбекистана

Ўзбекистон инфекционистларининг II съезди ҳақида 122

О II съезде инфекционистов Узбекистана

Ўзбекистон врачлар Ассоциациясининг конференцияси ҳақида 122

О конференции Ассоциации врачей Узбекистана

**ЮБИЛЕЙЛАР**

Асадов Д. А. ХОТИРА Хусаинов Б.Р.

123 ЮБИЛЕИ Асадов Д. А. ПАМЯТЬ Хусаинов Б.Р. 125

Европа тиббиёт ассоциациялари ва ЖССТ форуми ҳақида 126

О Европейском форуме медицинских ассоциаций и ВОЗ

%га кам, ўғил болаларда қиш-баҳор мавсумида 3,6 %га кўп, ёз-куз мавсумида 2,7 %га камлиги кузатилади.

**Хулосалар.** Илмий изланишларимиз якунида қуйидагиларни хулоса қилиб айтиш мумкин:

1. Сузиш спорти билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирлар овқат рациони таҳлилида: нон ва нон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи йил давомида; тухум, сабзавотлар ва полиз экинлари йилнинг маълум бир мавсумида меъёрдан ортиқча; бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса балиқ ва балиқ маҳсулотлари қўпол тарзда меъёрдан кам эканлиги аниқланди.

2. Овқат рационидagi асосий озуқа моддалари таҳлилида эса оқсил ва ёғ барча мавсумларда, ўғил болаларнинг қиш-баҳор мавсумидagi ёғларни ҳисобга олмаганда меъёрдан кам, углеводлар эса аксинча кўплиги кузатилади.

3. Овқат рационининг қувватмандлиги ўғил болаларнинг қиш-баҳор мавсумида меъёрдан кўп, қолган ҳолатларда эса кам эканлиги аниқланди.

#### 2-жадвал

Сузиш спорти билан шуғулланадиган болалар ва ўсмирлар овқатланиш рационидagi асосий озуқа моддаларининг уртача суткалик миқдори (меъёрга нисбатан % ларда)

Нутриентлар	^ Меъёр, г	Қизлар болалар				Ўғил болалар			
		Қиш-баҳор мавсуми		Ёз-куз мавсуми		Қиш-баҳор мавсуми		Ёз-куз мавсуми	
Оқсиллар, г	160	126	78,8	148	92,5	132	82,5	152	95,0
ш.к. ҳайвон	96	99	103,1	85	88,5	103	107,3	87	90,6
Ёғлар, г	160	152	95,0	136	85,0	164	102,5	143	89,4
Углеводлар, г	655	705	107,6	668	102,0	716	109,3	675	103,1
Қувватмандли- ги, ккал	4830	4821	99,8	4610	95,5	5002	103,6	4721	97,7

Эслатма: ^ - жадвалларни тузишда СанҚМ 0274-09 буйича тавсия этилган бир кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва туплами ҳисобга олинди

#### АДАБИЁТЛАР

1. Формирование физической культуры и культуры здоровья учащихся в условиях модернизации образования. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. Елабуга, 12-13 ноября 2008 г. - С.52-54.

2. Тухтаров Б. Э. Сравнительная оценка биологической ценности среднесуточных рационов питания профессиональных спортсменов Узбекистана/Б. Э. Тухтаров // Гигиена и санитария, 2010, N № 2.-С.65-67.

3. Химический состав пищевых продуктов: – Справочные таблицы содержания аминокислот, жирных кислот, витаминов, макро- и микроэлементов органических кислот и углеводов / под. ред. И.М.Скурихина, М.Н.Волгарева., – М.: Агропромиздат, 1987.

УДК:615.825.1

#### РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ МАКТАБИ ҲУВЧИ-ҚИЗЛАРИ ОРАСИДА УЧРАЙДИГАН КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Эрматов Н.Ж., Омонов А.А., Исломова Х.У., Исломов Д.М.  
(ТТА)

Рақс ва хореография олий мактаби ҳувчилари касалланиш ҳолатлари таҳлил қилинганда қуйидагича: нафас олиш тизими касалликлари, синишлар, заҳарланишлар ва ташқи муҳит таъсиридаги ўзгаришлар, қулоқ ва сўнгичсимон ўсимта касалликлари ўзгаришлар, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ўзгаришлар ва тери ва териости бириктирувчи туқима касалликлари кетма-кетликда жойлашганлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** рақс ва хореография мактаби, ҳувчилар, касалланиш даражаси.

#### АНАЛИЗ ЗАБОЛЕВАЕМОСТИ СРЕДИ УЧАЩИХСЯ ДЕВУШЕК ШКОЛЫ ТАНЦЕВ И ХОРЕОГРАФИИ

При анализе уровень и распространенности заболеваемости среди девушек школы танцев и хореографии наиболее часто встречаемые заболевание следующее: болезни дыхательной системы; переломы; отравления и изменения вызванные под воздействием внешней среды; болезни



уха и сосцевидного отростка; заболевания пищеварительной системы; болезни кожи и подкожной соединительной ткани.

**Ключевые слова:** школа танцев и хореографии, учащиеся-девушек, уровень заболеваемости.

THE ANALYSIS OF THE DISEASES AMONG SCHOOLGIRLS OF DANCING SCHOOL AND THE CHOREOGRAPHY

At the analysis of a condition of disease of schoolgirls of dancing school and a disease choreography have settled down in a following order: illnesses of respiratory system, crises, poisonings and changes caused under the influence of environment, illness of an ear and mastoid process, disease of digestive system, and also illness of a skin and a hypodermic connecting fabric.

**Keywords:** dancing school and a choreography, schoolgirls, disease level.

Жисмоний тарбия ва спорт, рақас ва санъатнинг бошқа турлари нафақат инсон организмнинг гормоник ривожланишини, балким самарали ва юқори ишлаш қобилиятини таъминловчи асосий воситалардан биридир.

Мамлакатимизда бугунги кунда қизлар орасида бадий гимнастикага жуда катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бадий гимнастика, спорт ва санъат организмнинг гармоник уйғунлигидир. У инсон ва борлиқнинг ўраб турган олами гўзал, нозик, қилиш билан биргаликда, уни илқроқ қилади. У инсонлар учун гўзаллик тимсоли каби муҳимдир. Бу гўзалликни асраш барчамизнинг бурчимиздир. Ёш, жозибали, нафосатли гимнастика билан шуғулланадиган қизларга қараб, шуни тушунса бўлади: улар, уларнинг дугоналари миллатимиз ғурури десак муболаға бўлмайди [1,2,3], чунки ҳеч бир нарса мамлакат ва миллат спортчалик дунёга тезда танита олмайди.

Бадий гимнастика бу нафақат эпчиллик, куч ва бардошлиликдир. У хореография ва мусиқий балетдан уйғунлашишдан пайдо бўлиб, у спортчи қизлардан мусиқа ва ритми ҳис қилишни талаб қилади, нозик координация ва ҳаракатларнинг яққол ифодали чиқишида, гимнастика қизларнинг эстетик тарбия олишида ҳам муҳим аҳамият тутади [2,3,4]. Аҳолининг энг аҳамиятли контингенти, яъни болалар ва ўсмирлар жамоасининг саломатлик ҳолатини ўрганиш муаммоси бугунги кунда давлат миқёсидаги асосий муоммолардан бири ҳисобланади. Бу борада қатор дастурлар ишлаб чиқарилган, буларга: Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Саломатлик, Ижтимоий ҳимоя йили ва Соғлом бола йили дастурларидир, ишлаб чиқарилган дастурларнинг мазмун ва моҳияти асосини келажак авлоднинг саломатлик ҳолатини ҳимоялашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ташкил қилади. Бироқ, шунга қарамадан бугунги кунда болалар ва ўсмирлар орасида касалланиш даражаси юқорилигича қолмоқда. (3,4,5,6,7,8).

**Ишнинг мақсади.** Рақс ва хореография олий мактаби ўқувчи-қизлари касалланиш ҳолатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

**Текшириш объектлари ва усуллари.** Илмий ишларимизда Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги мактаб интернати ўқувчиларини 2010-2014 йиллардаги касалланишлари таҳлил қилинди. 1-жадвалда ўқувчиларни йиллар бўйича кесими келтирилган.

**1-жадвал**

**Назорат остидаги рақс ва хореография Олий мактаби қошидаги мактаб интернатидаги ўқувчиларини йиллар бўйича тақсимланиши**

Йиллар	2010	2011	2012	2013	2014
Ўқувчилар сони	480	507	507	507	486

Ўқувчиларнинг касалланишлари ўрганилганда, уларнинг амбулатор картаси (025/х формаси) ва диспансер назорат картаси (030/х формаси), кундалик тиббий кўрик журнал натижалари асосида олинди ва уларнинг таҳлили 10-халқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10)га мувофиқ ўтказилди [9].

**Олинган натижалар таҳлили.** Олинган натижалар шуни кўрсатдики, мактаб интернати ўқувчиларининг касалланиш ҳолати таҳлил қилинганда умумий касалланиш йиллар бўйича 2010 йилда 1006,3±3,6%они, 2011 йилда 905,3±13,0%они, 2012 йилда 940,8±10,5%они, 2013 йилда 984,2±5,5%они, 2014 йилда 899,2±13,7%они ташкил қилган. Бу касалланиш кўрсаткичларини йиллар бўйича таҳлилида энг юқори кўрсаткич 2010 йилга, энг паст кўрсаткич эса 2014 йилга тўғри келган. Умуман йиллар бўйича 2010 йилдан 2011 йилгача касалланиш ҳолати камайганлигини (101%га), 2011 йилдан 2013 йилгача ҳолати аксинча ошганлиги аниқланди(78,9%га), 2010 йилдан 2014-йилгача касалланиш сезиларли даражада камайганлигини (107,1%га) куришимиз мумкин (2-жадвал).

Мактаб интернатининг ўқувчиларининг йилларга оид касалланишлар структурасида 5та асосий уринларни қуйидаги касалликлар: нафас олиш тизими касалликлари (1-урин), сини-

шлар, захарланишлар ва ташқи муҳит таъсиридаги ўзгаришлар (2-урин), кулоқ ва сўргичсимон ўсимта касалликлари ўзгаришлар (3-урин), овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ўзгаришлар (4-урин) ва тери ва териosti бириктирувчи туқима касалликлари (5-урин) эгаллайди.

#### 2-жадвал

Рақс ва хореография олий мактаби қошидаги мактаб интернатининг 7-15 ёшли ўқувчилари орасидаги 2010 - 2014 йиллардаги аниқланган касалланишларнинг тақсимланиши (мос гуруҳдаги ҳар 1000 нафар ўқувчига, ‰ ларда)

10-ХКТ	Касалликларнинг синфлари	2010	2011	2012	2013	2014
I	Баъзи юқумли ва паразитар касалликлар	14,6±5,5	13,8±5,2	11,8±4,8	15,8±5,5	12,3±5,0
III	Қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари	29,2±7,7	31,6±7,8	25,6±7,0	29,6±7,5	24,7±7,0
IV	Эндокрин касалликлари, овқатланиш ва модда алмаш.к-ри	72,9±11,9	65,1±11,0	59,2±10,5	61,1±10,6	53,5±10,2
V	Рухий ва ҳудқ-атвор бузилишлари	47,9±9,7	55,2±10,1	47,3±9,4	69,0±11,3	57,6±10,6
VI	Асаб тизими касалликлари	10,4±4,6	9,9±4,4	11,8±4,8	15,8±5,5	10,3±4,6
VII	Куз ва унинг муртаклари касалликлари	25,0±7,1	29,6±7,5	33,5±8,0	27,6±7,3	26,7±7,3
VIII	Кулоқ ва сўргичсимон ўсимта касалликлари	108,3±14,2	122,3±14,6	110,5±13,9	112,4±14,0	92,6±13,1
IX	Қон айланиш тизими касалликлари	41,7±9,1	49,3±9,6	39,4±8,6	35,5±8,2	30,9±7,8
X	Нафас олиш аъзолари касалликлари	239,6±19,5	175,5±16,9	213,0±18,2	248,5±19,2	218,1±18,7
XI	Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари	89,6±13,0	69,0±11,3	76,9±11,8	86,8±12,5	74,1±11,9
XII	Тери ва тери ости бириктирувчи туқима касал.	72,9±11,9	80,9±12,1	63,1±10,8	78,9±12,0	65,8±11,2
XIII	Суяклар, мушак тизими ва бириктирувчи туқималар	10,4±4,6	15,8±5,5	13,8±5,2	17,8±5,9	12,3±5,0
XIV	Пешоб-таносил тизими касалликлари	14,6±5,5	9,9±4,4	23,7±6,8	11,8±4,8	16,5±5,8
XV	Ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр	25,0±7,1	15,8±5,5	29,6±7,5	9,9±4,4	28,8±7,6
XIX	Синишлар, захарланишлар ва ташқи муҳит ўзгаришлари	204,2±18,4	161,7±16,4	181,5±17,1	163,7±16,4	174,9±17,2
	Умумий касалланиш	1006,3±3,6	905,3±13,0	940,8±10,5	984,2±5,5	899,2±13,7



Умумий касалланшилар орасида барча йилларда ҳам нафас олиш касалликлари биринчи ўринни эгаллаган энг юқори кўрсаткич 2013 йилда ( $248,5 \pm 19,2\%$ ), энг паст кўрсаткич эса 2011 йилда ( $175,5 \pm 16,9\%$ ) кузатилади, таъкидлаб ўтиш лозимки, бу касалликлар кўрсаткичи изланишлар олиб борилган йиллар давомида пасайиб бораётганлигини аниқланди. Нафас олиш аъзолари касалликлари орасида энг кўп учрайдиган назологик шаклларида УРВИ энг кўп кузатилганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Худди шу ҳолатни иккинчи ўриндаги синишлар, заҳарланишлар ва ташқи муҳит таъсиридаги ўзгаришларда ҳам кузатиш мумкин, яъни энг юқори кўрсаткич 2010 йилда ( $204,2 \pm 18,4\%$ ), энг паст кўрсаткич эса 2011 йилда ( $161,7 \pm 16,4\%$ ) аниқланди. Синишлар, заҳарланишлар ва ташқи муҳит таъсиридаги ўзгаришлар йиллар бўйича таҳлил қилганда, бу касалликлар 2010 йилдан 2014 йилга нисбатан бир мунча ( $29,3\%$ ) пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Бу касалликлар орасида назологик шаклларида асосан кўп қисмини таянч-ҳаракатланиш тизимини лат ёйишлари, пай чузилишлари ва ҳар-хил турдаги чиқишлар ташкил этади.

Кейинги ўринни қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта касалликлари эгаллаган, бу ерда энг юқори кўрсаткич 2011 йилда ( $122,3 \pm 14,6\%$ ), энг паст кўрсаткич 2014 йилда ( $92,6 \pm 13,1\%$ ) эканлигини куришимиз мумкин, таҳлил қилинган йилларда эса пасайганлигини ( $15,7\%$ га) кузатилади. Ушбу гуруҳ касалликларининг асосан ангина, отит ва ринофарингит каби турлари кўпроқ учраган.

Туртинчи ўриндаги овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини таҳлил қилар эканмиз, энг юқори кўрсаткич 2010 йилда ( $89,6 \pm 13,0\%$ ), энг паст кўрсаткич 2011 йилда ( $69,0 \pm 11,3\%$ ) аниқланди, аммо шуни айтиб ўтиш керакки, 2011 йилда ушбу гуруҳ касалликлари бир мунча камроқ учраган ва бешинчи ўриндаги тери ва тери ости бириктирувчи тўқималар касалликлари туртинчи ўринга чиққан. Умуман олганда овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари 2010-2014 йиллар давомида ( $15,5\%$ га) пасайганлигини куришимиз мумкин.

Бу касалликлар ичида асосан ошқозон яраси, сурункали ошқозон ва 12 бармоқли яллиғланиши салмоқли ўринни эгаллаган.

Бешинчи ўринда эса тери ва териosti бириктирувчи тўқима касалликлари ўзгаришларида йиллар бўйича таққослаганда 2013 йилда энг юқори кўрсаткич ( $78,9 \pm 12,0\%$ ), 2012 йилда эса энг паст кўрсаткич ( $63,1 \pm 10,8\%$ ) эгаллаган. Бу касалликларни назологик куринишларидан асосийлари фурункула ва аллергия касалликларини айтиб ўтиш мумкин, буни мактаб ўқувчиларида жинсий балоғатга етиш даври билан боғлаш ўринлидир.

Кейинги ўринлардаги касалликлар эндокрин каалликлари, овқатланиш ва модда алмашинуви бузилиши, руҳий ва феъл-атвор бузилишлари, қон ва қон яратувчи орган касалликлари кетма-кетлигида жойлашган.

Олинган маълумотларга асосланиб миллий рақс ва хореография олий мактаби қошидаги мактаб интернати ўқувчиларини касалланиш маълумотларининг таҳлили уларнинг  $8\%$ и йил давомида бирор марта ҳам касал бўлмаган,  $70\%$ и икки ёки уч марта касал бўлганлар,  $22\%$ и эса тўрт ва ундан ортиқ касал бўлганларни ташкил этади.

#### Хулосалар

1. Рақс ва хореография олий мактаби қизлари орасида энг кўп тарқалган касалликлар тартиби куйидагича: нафас олиш тизими касалликлари, синишлар ва заҳарланишлар, қулоқ ва сўрғичсимон ўсимта касалликлари, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ва тери ва тери ости бириктирувчи тўқима касалликлари.

2. Рақс ва хореография олий мактаби ўқувчиларида бошқа турдаги муассаса ўқувчиларига нисбатан синишлар, заҳарланишлар ва ташқи муҳит таъсиридаги ўзгаришлар салмоқли ўринни эгаллаганлиги куришимиз мумкин, буни эса уларни фаол кундалик машғулотлари билан шуғулланишлари билан боғлаш мумкин.

3. Рақс ва хореография олий мактаби ўқувчилари саломатлигини муҳофаза қилиш таълим муассасаси зиммасида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади ва уни қаттиқ назорат остига олиш талаб этилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Быков О. Гимнастика от ста недугов. Физкультура и спорт, №7, 1999. - с. 24-25.
2. Гимнастика: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений / М.Л. Журавин, О.В. Загрядская, Н.В. Казакевич и др.; Под ред. М.Л. Журавина, Н.К. Меньшикова. - 2 изд., стер. - М.: Издательский центр «Академия», 2002. - 448 с.
3. Камидова Р.Т. Комплексная оценка состояния здоровья детей школьного возраста в зависимости от социально-гигиенических и климато-географических условий Узбекистана. // Автроф. дисс. док мед наук. Ташкент, 2001.
4. Кучма В.Р. Проблемы формирования здорового образа жизни у учащихся в общеобразовательных учреждениях // Гигиена и санитария. - 2000. - №3. - С. 52-56.
5. Эрматов Н.Ж. Ҳозирги тараққиёт даврида мактаб ўқувчиларида касалланишининг гигиеник таҳлили // Патология. - Тошкент, 2007. - №2. - Б. 79-81.
6. Эрматов Н.Ж., Сағдуллаева Б.О., Мирзарахимов Ж.У. Состояние здоровья детей и под-



ростков, обучающихся в образовательных учреждениях // Медицинский журнал Узбекистана. – Ташкент, 2010. – №5. – С. 78-81. 7. Ermatov N. J. Comparative analysis of morbidity rate in adolescents studied in different types of public educational institutions // Medical and Health Science Journal (MHSJ). – Czech Republic, Prague, 2011. – Vol. 5. – P. 99-102.

8. Ermatov N. J., Sagdullaeva B. O. Influence of physical training on morbidity rate of students of Tashkent city // International journal of applied and fundamental research. – Republica CRNA Gora, 2011. – №6. – P. 4-6.

9. Халқаро касалликлар таснифи. Учинчи қайта қўриш (ХКТ-10). Т., 2004. – 465 б.

УДК: 613.632:615.9

## НОВЫЙ ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ ДЕФОЛИАНТ ХЛОПЧАТНИКА ФАНДЕФ – ГИГИЕНА, ТОКСИКОЛОГИЯ

Искандаров Т.И., Романова Л.Х., Славинская Н.В., Искандаров А.Б.  
(НИИ СГП)

В материалах представлена комплексная токсиколого-гигиеническая оценка нового дефолианта хлопчатника Фандеф, гигиенические нормативы в объектах окружающей среды (вода, воздух, почва) и пищевых продуктах и регламенты безопасного применения в сельском хозяйстве.

**Ключевые слова:** дефолиант Фандеф, токсичность, вода, воздух, почва.

## ВАТАНИМИЗДАГИ ЯНГИ ФАНДЕФ-ГИГИЕНА, ТОКСИКОЛОГИЯ ПАХТА ДЕФОЛИАНТИ

Материалларда янги пахта дефолианти Фандефни гигиеник-заҳарлиги комплексли баҳолаш; препаратни ташқи муҳит объектларида (сув, ҳаво, тупроқ) ва озиқ-овқат маҳсулотларида гигиеник меъёрлари; препаратни кишлоқ хўжалигида безарар ишлатилиши регламентлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** дефолиант Фандеф, заҳарлиги, сув, ҳаво, тупроқ.

## THE NEW DOMESTIC COTTON DEFOLIANT -FANDEF, HYGIENE, TOXICOLOGY FEATURES

In materials data by a complex hygienic and toxicological estimation new defoliant cotton Fandef are presented; hygienic specifications of a preparation in objects of environment surrounding the person (water, air, ground) and foodstuff; rules of safe application of a preparation in an agriculture.

**Key words:** defoliant Fandef, toxicological, water, air, ground.

Поскольку современное общество идет по пути создания безопасных для здоровья человека и окружающей среды средств защиты растений. Актуальность токсиколого-гигиенических исследований новых химических соединений с целью своевременной профилактики неблагоприятного влияния на здоровье людей и окружающую среду несомненно. Охрана здоровья населения является одной из важнейших государственных задач. К внедрению в сельскохозяйственную практику республики рекомендуется новый дефолиант хлопчатника Фандеф, разработанный сотрудниками института общей и неорганической химии АН РУз. Для решения вопроса о возможности применения препарата в сельском хозяйстве необходима информация о степени его токсичности и гигиенических регламентах безопасности.

Препарат Фандеф применяется для предуборочного обезлиствления сельскохозяйственных культур, в частности, хлопчатника. Рекомендуемая норма расхода дефолианта 5 – 7 л/га. Препарат Фандеф для дефолиации хлопчатника применяется путем опрыскивания растений водным рабочим раствором с помощью ранцевых опрыскивателей, тракторных навесных агрегатов. Оптимальным сроком применения препарата для средневолокнистых сортов хлопчатника является период раскрытия 42 – 55% коробочек, а для тонковолокнистых – 55 – 65%. Препарат Фандеф предназначен для однократного использования. После обработки хлопчатника препаратом она нужна повторная обработка другим дефолиантом. Рекомендуемый срок ожидания (в днях до сбора урожая) – за 12 – 15 дней до сбора урожая. Действующими веществами препарата являются хлорат кальция и хлорат магния.

Работа выполнена в соответствии с Государственным грантовым проектом АДСС-15.17.2 «Разработка регламентов безопасного применения, гигиенических нормативов в объектах окружающей среды новых отечественных импортозамещающих пестицидов и мероприятий по профилактике неблагоприятного влияния их на здоровье населения и окружающую среду».

**Материал и методы.** При проведении исследований использованы гигиенические, токсикологические, биохимические и статистические методы [1]. Изучался новый дефолиант хлопчатника Фандеф.

**Результаты исследований.** Токсичность и опасность дефолианта Фандеф изучали в острых опытах на 2 видах лабораторных животных (белые крысы, мыши) при различных путях воздействия. В острых опытах при однократном внутрижелудочном воздействии препарата сред-